



Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларнинг тааллуқлилиги ва судловлилиги масалалари

Мирсагатов Кахрамон Хайдарович
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Кадрлар бошкармаси бошлигининг ўринbosари

Аннотация: Ушбу илмий мақолада Меҳнат низоларига нисбатан юқорида илгари сурилган таърифлар эътиборга лойиқ ва меҳнат низоларининг мазмунини англаш ва очиб беришда муайян хulosалар келтириб ўтилган. Унинг мазмун моҳиятига ҳам тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: меҳнат, иш, низолар, ходим, иш берувчи ташкилотлар, меҳнат шароитлари.

Меҳнат хуқуқи фанида меҳнатга оид низоларнинг юзага келишининг сабаблари турлича талқин этилади. Баъзи олимларнинг фикрича, меҳнат низоси ходим ёки иш берувчининг меҳнат муносабатларидаги келишмовчиликларни ҳал қилиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли органга мурожаат қилганда юзага келади. Хусусан, В.М.Толқунова ўз тадқиқотида меҳнат низолари меҳнат қонунчилигини қўллаш ёки шериклик тартибида меҳнат янги шартларини белгилаш бўйича ваколатли органнинг кўриб чиқиши учун юборилган меҳнат ҳуқуқи субъектларининг қарама-қаршиликлари эканлигини таъкидлайди.¹

В.И.Мартиненко меҳнат низолари деганда, меҳнат ва у билан яқин боғлиқ муносабатлар соҳасидаги келишмовчиликлар тарафлари ўртасидаги тўғридан-тўғри музокарапар йўли билан ҳал этилмаган, ушбу ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларнинг ҳақиқий ёки узоқ муддатли бузилиши натижасида келиб чиқадиган ва қонун хужжатларида белгиланган тартибида ваколатли органлар ёки мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқиладиган келишмовчиликлар деб тушунтиради.²

Яна бир бошқа муаллифларнинг фикрича, фақатгина меҳнат қонунчилиги билан белгилаб қўйилган меҳнат шартларини ўрнатиш ёки қўллаш юзасидан ходим ёки унинг вакиллик органлари билан иш берувчи ўртасидаги келишмовчиликлар меҳнат низолари ҳисобланади.³

¹ Толқунова В. Н. Трудовое право: курс лекций. -М.: ООО «ТК Велби», 2003. – 187 с.

² Мартыненко В. И. Процессуальные особенности рассмотрения индивидуальных трудовых споров в судах общей юрисдикции: автореф. ... канд. юрид. Наук. - М., 2006. – 21 с.

³ Трудовое право. Учебник.-М.: Проспект. 1999. - 431 с.



М.М.Мамасиддиқов иш берувчи билан ходим ўртасидаги юзага келган келишмовчиликлар қачонки ваколатли органлар томонидан кўриб ҳал қилиш учун қабул қилинганидагина меҳнат низолари деб эътироф этади.⁴

Юридик адабиётларда ҳам муаллифлар меҳнат низосига - меҳнат ҳукуқий муносабатларида ходим ва иш берувчи ўртасида бундай шахслардан бири уларни ҳал қилиш учун ваколатли органга мурожаат қилган пайтдан бошлаб юзага келадиган муайян низо ёки келишмовчилик, деб таъриф беради.⁵

Меҳнат низоларига нисбатан юқорида илгари сурилган таърифлар эътиборга лойиқ ва меҳнат низоларининг мазмунини англаш ва очиб беришда муайян хulosалар қилишга хизмат қиласди. Бироқ назаримизда, меҳнат низолари фақатгина меҳнат шартларини белгилаш ва уни қўллаш юзасидан келиб чиқиши нуқтаи назаридан унга таъриф берилиши унинг тўлиқ мазмунини очиб бера олмайди. Сабаби иш берувчи билан меҳнат муносабатларига киришмасдан аввалроқ ҳам меҳнатга оид ҳукуқий муносабатлар юзага келиши мумкин. Хусусан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 119-120-моддаларида белгиланган талабларга зид равишда ходимнинг ишга қабул қилиш ҳақидаги талаби рад этилган тақдирда юзага келадиган келишмовчиликлар шулар жумласидандир.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судлар томонидан тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал қилиниши меҳнатга оид ҳукуқий муносабат субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилинишига асос бўлади. Бунинг учун эса меҳнат низоларининг, хусусан, ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг қайси ваколатли органлар томонидан кўрилиши ва ҳал этилишини тўғри белгилаш долзарб ҳисобланади.

Юридик адабиётларда ҳам, меҳнатга оид ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишларнинг **тааллуқлилиги билан боғлиқ масалалар** ҳозирги кунда ўзининг долзарб аҳамият касб этишини амалда кўрсатаётганлиги, мазкур туркумдаги ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилиши ҳамда ҳал қилинишида уларнинг тааллуқлилигини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб этиши, қонун ҳужжатларидаги

⁴ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид ҳукуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография // -Т.: ТДОИ. 2005. -14 б.

⁵ Яценко А.О., Ильченко Е.С. Особенности рассмотрения судами трудовых споров о восстановлении работника на работе // Colloquium-journal. № 26 (50), 2019. – 216 б.



бу билан боғлиқ айрим “ҳуқуқий бўшлик” ва “зайф нуқталар”ни аниқлаш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш миллий қонунчилигимизни янада такомиллаштириш баробарида, ходимлар ва меҳнат жамоаларининг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишига, бузилган ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларнинг тўлиқ тикланишига хизмат қилиши ҳақида фикрлар илгари сурилади.⁶

Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларининг тааллуқлилиги борасида сўз очишдан аввал, умуман, фуқаролик ишларининг қайси органлар томонидан кўрилиши ва ҳал этилиши масаласида, бир сўз билан айтганда, фуқаролик ишларининг тааллуқлилиги борасида юридик адабиётларда илгари сурилган фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилсак.

Профессор Ш.Ш.Шораҳметовнинг фикрича, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юқлатилганлиги тааллуқлилик деб аталади.⁷

М.М.Мамасиддиқов тааллуқлилик тушунчасига таъриф беришда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар нуқтаи назаридан ёндашиш, фуқаролик ишларининг давлат органлари ва жамоат ташкилотларидан ташқари, “бошқа аралаш тусдаги органлар” томонидан кўрилишига ҳам эътибор қаратиш талаб этилишини таъкидлайди. Унинг фикрича тааллуқлиликка куйидагича кенг ва тор маънода таъриф бериш мақсадга мувофиқ: кенг маънодаги тааллуқлилик қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга кўра юзага келган низоли ишларни у ёки бу давлат ҳокимияти органлари ёхуд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ҳал қилинишини белгилаб берувчи механизм вазифасини бажарувчи соҳалараро институт ҳисобланади. Тор маънодаги тааллуқлилик деганда, эса субъектив ҳуқуқнинг мазмuni ва ишда иштирок этувчи шахслар таркиби хусусиятидан келиб чиқиб, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташки-

⁶ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // –Тошкент.: АҚҲМИ. 2008. -47 б.

⁷ Шораҳметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. -Т.: ТДЮИ. 2010. – 124 б.



лотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушунила-диган фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанига оид илмий тоифа ҳисобланади.⁸

Масалан, И.М.Салимовнинг фикрича, тааллуқлилик – ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талабларни ёки бошқа ҳуқуқий масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш вазифаси қонун ҳужжатлари билан қайси давлат ҳокимияти органи ёки мансабдор шахси ёхуд нодавлат орган (ҳакамлик суди, медиатор) ваколатига берилганлигини аниқловчи ҳамда компетенция, юрисдикция ва судловлилик институтларидан ўзининг ҳуқуқий табиатига ва моҳиятига кўра фарқ қилувчи соҳалараро процессуал институт ҳисобланади.⁹

Таъкидлаш жоизки, ушбу таърифда муаллиф томонидан тааллуқлилик институтининг соҳалараро процессуал институт эканлиги баён этилса-да, бироқ унинг моддий-ҳуқуқий жиҳатлари, аникроғи нима учун соҳалараро институт эканлиги аниқ очиб берилмаган.

Назаримизда тааллуқлиликнинг соҳалараро институт эканлиги, биринчидан, қонун ҳужжатларида юзага келган ҳуқуқий ишларни кўриш ва ҳал этиш ваколати давлат ва нодавлат органлари зиммасига юклатилганлиги билан, иккинчидан, қонун ҳужжатлари билан ушбу органлар ўртасидаги ваколатларнинг аниқ чегараси белгиланганлиги билан, учинчидан эса, тааллуқлиликни белгилаш асослари моддий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилганлиги билан изоҳланади. Қолаверса, моддий ҳуқуқ нормаларида назарда тутилган тааллуқлиликка доир қоидаларга амал қилинмаслиги судлар томонидан аризаларнинг қабул қилинишини рад этишга асос бўлиши ҳам унинг моддий ҳуқуққа доир институт эканлигини кўрсатади.

Лекин шундай бўлса-да, тааллуқлилик фуқаролик процессуал ҳуқуқининг муҳим институти сифатида ўрганилишини ҳам алоҳида эътироф этиш лозим. Хусусан, М.М.Мамасиддиқов ҳуқуқни амалга ошириш нуқтаи назаридан тааллуқлиликни фуқаролик процессининг юзага келишини белгилаб берувчи асосий юридик фактлардан бири сифатида эътироф этади ва тааллуқлиликни фуқаролик ишларини қўзғатишининг муҳим шартларидан бири эканлигини, ишни судда қўзғатиш

⁸ Мамасиддиқов М.М. Мехнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган етказилган зарарни судда ундиришнинг процессуал хусусиятлари. –Тошкент: АҚҲМИ. 2011. -15 б.

⁹ Салимова И.М. Иктиносий низоларнинг тааллуқлилиги (назарий-ҳуқуқий ва процессуал жиҳатлари). Юрид. фан. фалсафа доктори (PhD) диссертацияси // -Тошкент. 2020. -114 б.



жараёнида судъя томонидан аниқланиши лозим бўлган юридик факт сифатида намоён бўлишини таъкидлаб ўтади.¹⁰

Юридик адабиётларда тааллуқлиликнинг соҳавий институт эканлиги борасида турли қарашлар учраса-да, бироқ олимлар ўртасида меҳнат низоларининг тааллуқлилигига таъриф бериш борасида жиддий фарқлар кўзга ташланмайди. Масалан, И.О.Снигированинг фикрича, у ёки бу турдаги меҳнат низоларини ҳал қилувчи органларнинг ваколатларини меҳнат низоларининг тааллуқлиги деган фикрни илгари суради.¹¹ Хуқуқшунос олимлар К.Н.Гусов ва В.Н.Толкунова меҳнат низосининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда унинг қайси органда кўриб ҳал қилинишини меҳнат низоларининг тааллуқлилиги деб таъриф берадилар.¹²

Юқорида илгари сурилган фикрларни умумлаштирган ҳолда, айтиш мумкинки, меҳнат низоларининг тааллуқлилиги деганда, меҳнат шартномаси тарафларининг таркиби ва меҳнат низоларини ҳал этувчи органлар ваколатлари хусусиятидан келиб чиқиб ҳамда меҳнатга оид низоли ишларни кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун хужжатлари билан муайян давлат органлари, жамоат ташкилотлари ёки бошқа ваколатли органлар зиммасига юклатилганлиги тушунилади.

Замонавий шароитда ноконуний равишда ишдан бўшатилган ёки бошқа ишга ўтказилган ходимларни қайта тиклаш тўғрисидаги ишлар меҳнат низоларининг жуда кенг тарқалган турлари бўлиб, одатда судда даъво тартибидаги ишларни кўриб чиқиши ҳамда ҳал этиш тартибини белгиловчи фуқаролик процессуал қонунчилик қоидалари асосида кўриб чиқиласди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (кейинги ўринларда ФПК деб юритилади)нинг 26-моддасига кўра, фуқаролик ишлари бўйича судга меҳнат тўғрисидаги низолар бўйича ишлар, агар тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлса тааллуқли бўлади, қонунда шундай низоларни ҳал қилиш бошқа судларга ёки бошқа органларга топшириладиган ҳоллар бундан мустасно.¹³

¹⁰ Қаранг: Мамасидиков М.М. Ўша жойда. 2011. -14 бет.

¹¹ Трудовое право. Учебник. 3-изд. М.: Проспект. 1999. 432 с.

¹² Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России. Учебник. 2-изд.-М.: Юристъ, 2000. -С. 380-381.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // https://lex.uz/_docs/3517337



Амалдаги МҚнинг 558-моддасида бевосита туман (шаҳар) судларида кўрилиши лозим бўлган меҳнат низоларининг рўйхати берилган бўлиб, унга кўра, қуидаги якка тартибдаги меҳнат низолари бевосита судда кўриб чиқилади:

- 1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари бўйича комиссия тузилмаган бўлса;
- 2) меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар, ишга тиклаш тўғрисидаги, меҳнат шартномасини бекор қилиш санасини ва асослари таърифини ўзгартириш ҳақидаги, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган иш бажарилган вақт учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;
- 3) ходимга меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллиги туфайли етказилган зиённинг ўрнини ёхуд ходимнинг мол-мулкига етказилган моддий заарнинг ўрнини иш берувчи томонидан қоплаш ҳақидаги;
- 4) иш берувчи томонидан ходимга етказилган маънавий зиённи компенсация қилиш тўғрисидаги;
- 5) ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақидаги;
- 6) иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишилган ҳолда олдиндан ҳал этилган масалалар юзасидан;
- 7) ходимлар ва иш берувчи жисмоний шахслар ўртасида юзага келадиган;
- 8) ўзини меҳнат қилиш ва машғулотлар соҳасида камситилишга учраган деб хисоблаётган шахсларнинг;
- 9) ходим томонидан иш берувчига етказилган моддий заарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги.

Якка тартибдаги меҳнат низолари, ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилганларидан ташқари, ходимнинг хоҳишига кўра, бевосита судларда ҳам кўриб чиқилади.

Ходимнинг аризасини кўриб чиқишни якка тартибдаги низо меҳнат низолари бўйича комиссияда кўриб чиқилмаганлигига асосланган ҳолда рад этишга йўл қўйилмайди.

Меҳнат қонунчилигига айнан қайси низоли ишлар бевосита судларда кўрилиши билан боғлик нормалар назарда тутилган бўлса-да, бироқ меҳнат низолари



комиссиясида кўрилиши керак бўлган меҳнат низоларининг рўйхати берилмаган. Бу эса юридик адабиётларда турли баҳс-мунозаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, С.Ю.Головина меҳнат низолари комиссиясида ишга қабул қилишни расмийлаштириш тўғрисидаги (буйруқнинг мазмуни, меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар бўйича келишмовчиликлар); меҳнат дафтарчасидаги ёзувларнинг нотўғрилиги ҳақидаги низолар, агар ушбу ёзувлар иш берувчининг буйруғи ёки бошқа ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса; иш берувчининг ташаббуси билан бошқа ишга доимий ёки вақтинчалик ўтказиш тўғрисидаги; ишдан четлатиш ҳақидаги; интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги; иш ҳақидан ноқонуний равишда ушлаб қолинган пул суммасини қайтариш ҳақидаги; иш вақти ҳақидаги (унинг давомийлиги, режими, танаффуслар, иш вақтидан ташқари қилинадиган ишлар ва ҳ.к.); кафолатли ва имтиёзли тўловлар тўғрисидаги; иш билан ўқишни бирга олиб борадиган ходимларга имтиёзлар бериш ҳақидаги ва бошқалар меҳнат ҳуқуқий муносабатлар билан алоқадор бўлган бошқа ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар ҳам тааллукли бўлишини таъкидлаб ўтади.¹⁴

Ушбу фикр билан келишмаган ҳолда К.Н.Гусов меҳнат низолари комиссиясида фақат меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларгина кўриб ҳал этилишини, меҳнат ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасида келиб чиқсан меҳнат шартларини белгилаш, ўрнатиш билан боғлиқ низолар, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, меҳнат низолари комиссиясида кўриб ҳал этилиши мумкинлигини билдиради.¹⁵

Баъзи муаллифлар иш берувчи билан корхонадаги касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида меҳнат шартларини ўрнатиш ва ўзгартириш каби масалаларда юзага келган келишмовчиликлар судларда кўриш учун тааллукли бўлмаслигини, бу туркумдаги низолар тегишли қонунлар ёки бошқа айrim норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳал этилмаган масалалар юзасидан келиб чиқишини таъкидлаб, бундай низолар бевосита меҳнат низолари комиссиясида ҳал

¹⁴ Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спорам, возникающим из трудовых правоотношений. -М.: Арбитражный и гражданский процесс. 2000. №4. – 3 с.

¹⁵ Гусов К.Н., Толкнува В.Н. Трудовое право России: Учебник. 2-е Изд., доп, испр. –М.: Юристъ. 2000. -394 с.



етилиши керак, деган фикрни илгари сурадилар.¹⁶ Мазкур фикрни давом эттирган ҳолда бошқа бир олимнинг фикрича, судлар корхонада ишлаб чиқариш нормасини белгилаш, ходимга нисбатан мансаб маоши ёки таъриф ставкаси микдорини белгилаш тўғрисидаги низоларни кўришга ваколатли эмаслигини, агар ходим иш берувчи томонидан меҳнатга ҳақ тўлашдаги камситиш ва ҳақ-хукуқларнинг чекланиши билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар содир этилганлигини асос қилиб низолашаётган бўлса, у ҳолда мазкур низо судда кўрилиши лозимлигини таъкидлайди.¹⁷

Юқоридаги олимларнинг фикрини таҳлил қилган ҳолда шуни таъкидлаш керакки, меҳнат низолари комиссияси (МНК) бевосита суд томонидан кўриладиган меҳнат низоларидан ташқари барча меҳнат низоларини, жумладан, меҳнат тўғрисидаги қонунчиликни, меҳнат ҳақидаги бошқа хукуқий ҳужжатларни, меҳнат шартномасини қўллаш масалаларига доир якка тартибдаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган сифатида унинг хукуқий мақоми, ушбу комиссияни тузиш, комиссиянинг ваколатлари, комиссияга ариза бериш тартиби, якка тартибдаги меҳнат низосини ушбу комиссияда кўриб чиқиш тартиби, комиссия мажлисининг баённомаси, комиссияга мурожаат қилиш муддати, комиссиянинг қарори, комиссия қарори устидан шикоят қилиш билан боғлиқ нормалар янги таҳрирдаги мамлакатимиз Меҳнат кодексида белгиланиши талаб этилади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг судловга тегишлилигини тўғри белгилаш, ушбу нормаларни такомиллаштириш низоли ишни кўраётган судларни ҳам, ишнинг ҳал этилишидан манфаатдор бўлган шахсларнинг ҳам кўп вақтларини беҳуда ўтишини олдини олишга, одил судлов имконият-ларидан фойдаланишда айrim чекловларнинг бартараф этилишига олиб келиши мумкин. Қолаверса, меҳнат низоларини ҳал этувчи биринчи инстанция судлари ўртасида, айrim ҳолларда юқори инстанция судлари ваколатларининг аниқ белгиланиши Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамлаб қўйилган инсон

¹⁶ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининиг меҳнат хукуки // Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси. 2002. - 351 б.

¹⁷ Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спорам, возникающим из трудовых правоотношений // Арбитражный и гражданский процесс. Юрист. -М.: 2000. № 4. -7 с.



хуқук

ва эркинликларини амалда таъминланишига хизмат қилади.

Бинобарин, юридик адабиётларда фуқаролик процессуал қонун хужжатларининг ҳаётга татбиқ этилишини таъминлашда судловга тегишли-лик қоидаларининг ФПКда тўлақонли ўз ифодасини топиши ва бир тизимга келтирилиши муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидланган.¹⁸

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларнинг судловга тегишлилиги ҳақида гапиришдан аввал, “судловга тегишлилик” атамасининг мазмунига тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юридик луғатларда судловга тегишлилик деганда судларга тааллуқли бўлган барча ишларнинг суд тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши назарда тутилган.¹⁹ М.К.Треушниковнинг фикрича, судловлилик судларга тааллуқли бўлган юридик ишларнинг суд тизимининг аниқ бир судида биринчи инстанция тартибида қўриб чиқилишини белгилайди.²⁰ Н.М.Кострова судловга тегишлилик судларда қўришга тааллуқли бўлган ишларнинг судлар ўртасидаги тақсимланишини тартибга соладиган процессуал институт ҳисобланади.²¹ Е.В.Норкина “судловлилик” тушунчасини “тааллуқлилик” умумхуқукий категориясининг тор ихтисослиқдаги қўринишидир, деган фикрни илгари суради.²²

Шу ўринда таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда хорижий давлатлар хуқуқшунос олимлари томонидан яратилган асарларда судловга тегишлилик тушунчасига нисбатан универсал таъриф берила бошланди. Унга кўра, судловга тегишлилик бу судга тегишли фуқаролик ишларининг суд тизимидағи муайян судлар ўртасида

¹⁸ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал қонун хужжатларининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш истиқболлари // Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ЮМОМ нашр. 2012. -91 б.

¹⁹ Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мұхитдинов ва бошк.; Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Т.: Адолат, 2010. – Б. 429.

²⁰ Гражданский процесс: учебник / под ред. М.К. Треушникова. – М.: ООО «Городец-издат», 2001. – С.83.

²¹ Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства // Учебное пособие. -Махачкала, 2002. – 67 с.

²² Норкина Е.В. Подведомственность как общеправовая категория: автореф. дис. ...канд. юрид. наук: – Саратов, 2010. – С. 9.



тақсимланишида ифодаланади.²³ Лекин М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, судловга тегишлилик тушунчасига нисбатан берилган ушбу таърифлар ўта қисқа ва бир томонлама бўлиб, у судловга тегишлилик тушунчалигининг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди, уларда фуқаролик ишларининг қуидаги хусусиятлари: ишнинг мураккаблик даражаси, унинг ижтимоий аҳамияти, субъектларнинг мақоми кабилар ўз аксини топмаган, шунингдек ҳудудга оид қоидалар ҳам эътиборга олинмаган.²⁴ Мазкур олимнинг фикрларини қўллаб-қувватлаган ҳолда фикримизча, фуқаролик ишларининг судловлилигига таъриф беришда фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган ишларнинг мураккаблик даражаси, унинг ижтимоий аҳамияти, субъектларнинг мақоми хусусиятлари ҳамда тарафларнинг (аризачининг) жойлашган ҳудудига эътибор бериш лозим. Айниқса бу хусусиятлар ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларнинг судловлилигини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, Р.Д.Гребнев тўғри таъкидлаганидек, судловликка тегишлиликни тўғри белгилаш келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган сансалорликни, яъни суд ажрими устидан хусусий шикоят (протест) келтирилишини олдини олиш билан бирга низони тезроқ ва қонунда белгиланган хуқуқий асослар доирасида ҳал этишни ва далилларни таъминлаш, даъвони таъминлаш ҳамда суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ муаммоларга ечим бўла олишини²⁵ таъкидлаб ўтган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, фуқаролик ишларининг судловлилигига қуидаги таъриф бериш таклиф қилинади: **фуқаролик ишларининг судловлилиги** - фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган ишларнинг мураккаблик даражаси, унинг ижтимоий аҳамияти, субъектларнинг мақоми хусусиятлари ҳамда тарафларнинг (аризачининг) жойлашган ҳудудига қараб, биринчи инстанция судларида, айрим ҳолларда юқори инстанция судларида кўрилишини белгиловчи фуқаролик процессуал хуқуқи нормалари мажмуидир.

²³ Гражданский процесс. Курс лекция. -Санкт-Петербург. Питер. 2001. -137 с.; Гражданский процесс. Учебник. -М.: Проспект. 2001. -115 с.; Научно-практический комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР. -М.: Городец. 1999. -160 с.

²⁴ Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал хуқуқи. Умумий қисм / Дарслик. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. -Тошкент. ХТИ нашр. 2018. -293 б.; Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // Монография. –Тошкент, АҚҲМИ, 2008. -63 б.

²⁵ Гребнев. Р.Д. Роль и место судебных актов в правотворческом процессе / Зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. №2. 2020 г. -С. 23-35.



Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларнинг судловга тегишлилиги масала-сида амалдаги қонунчиликда назарда тутилган айрим процессуал хусусиятлар тўғрисида сўз юритамиз. Бизга маълумки, ФПКнинг 33-моддасида судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра, аризалар жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилади. Ташкилотларга нисбатан аризалар улар давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низолар бўйича бир тараф, яъни жавобгар юридик шахс бўлганлиги боис, даъво аризалари юридик шахс давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади.

ФПКнинг 33-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, жавоб берадиган бўлсак, ушбу ҳолатда даъвогарнинг даъво аризаси жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга берилиши керак. Бироқ ўтказилган ижтимоий сўров натижаси шуни кўрсатадики, даъво аризалари жавобгар доимий яшаб турган ёки доимий машғул бўлган жойдаги судга эмас, балки давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилишини қонунчиликда белгилаш таклифига респондентларнинг 62.69 фоизи, яъни 3407 таси ижобий муносабат билдирган.²⁶

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (ИПК) 33-моддасида судловга тегишлиликнинг умумий қоидалари белгиланган бўлиб, унга кўра, фуқароларга нисбатан даъволар улар якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилиши белгиланган.²⁷

Бу борада хорижий давлатлар қонунчилиги ўрганилди. Хусусан, Қозоғистон ФПКнинг 29-моддаси З-қисмига кўра, юридик шахсга нисбатан даъволар уларнинг таъсис ҳужжатларига ва (ёки) Бизнес идентификация рақамлари миллий реестрига киритилган манзилга мувофиқ юридик шахс жойлашган ердаги судга тақдим этилади. Юридик шахс ташкил етмаган ташкилотга нисбатан даъво унинг жойлашган жойида тақдим этилади.

²⁶ Ишга тиклаш тўғрисидаги меҳнат низоларини судда кўришни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган диссертация иши доирасида суд ва прокуратура ходимлари ҳамда тадқиотчиларнинг (жами 5434 нафар) ушбу масала бўйича фикрини ўрганиш максадида 2022 йилнинг октябрь ойида ўтказилган сўровнома натижаларидан олинган.

²⁷ Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/> 3523891



Юридик шахс ташкил этмасдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахснинг яшаш жойи Қозоғистон Фуқаролик кодексида белгиланган қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Қозоғистон ФПҚда вояга етмаганларнинг меҳнат ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги фуқаролик низолари Вояга етмаганлар ишлари бўйича ихтисослаштирилган туманлараро судлари томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши белгилаб қўйилган (27-модда).²⁸

Кўриб турганимиздек, хорижий давлатлар қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам судловга тегишлилик қоидаларининг бузилиши ҳар қандай ҳолатда ҳам суд ҳал қилув қарорининг бекор қилинишига асос бўлмас экан. Шунингдек, Е.Косарев айтгандек, судловга тегишлилик қоидаларининг бузилишини ҳар қандай ҳолатда ҳам иш суд томонидан ғайриқонуний таркибда кўрилган деган асос билан бекор қилиниши тўғрисидаги фикрга ҳам тўлиқ қўшила олмаймиз.

Биргина ечим, мамлакатимиз ФПҚда фуқаролик ишлари, хусусан, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар учун ҳам турдош судловлилик қоидаларини белгилаш ҳамда ушбу қоидаларга риоя қилмаслик суд ҳал қилув қарорларини бекор қилишга асос бўлиши тўғрисидаги нормани киритиш таклиф қилинади.

Мамлакатимиз ФПҚда ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар учун худудий судловга тегишлилик қоидалари белгиланган. Бироқ ФПҚ ушбу тоифадаги ишлар учун турдош судловга тегишлилик қоидаларини белги-ламайди. Ваҳоланки, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича турдош судловга тегишлилик қоидаларининг белгиланиши меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатни тартибга солувчи моддий ҳуқуқ нормасида белгиланган хусусиятларни эътиборга олинишига, унда иштирок этувчи шахсларнинг таркибидан келиб чиқиб, судлар томонидан низоли ишларни тўғри ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашга хизмат қиласи.

Айниқса, ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларда жавобгар тариқасида давлат бошқарув органлари, хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари, компаниялар ва йирик бирлашмалар, шунингдек чет эл ташкилотлари иштирок этадиган бўлса, у

²⁸ Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2021 г.) // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053&pos=866;-37#pos=866;-37



ҳолда мазкур низоли ишлар тегишилигига қараб фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди, фуқаролик ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судловига тааллуқли бўлиши лозим ва бу ҳақидаги қоидалар амалдаги ФПКга киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоларда жавобгар сифатида чет эл ташкилотлари ҳам иштирок этиши мумкин. Ушбу ҳолатларда мазкур иш туманлараро судларнинг судловига эмас, балки вилоят ва унга тенглаш-тирилган судларнинг судловига тегишили бўлиши ҳақидаги қоидани киритиш лозим. Ушбу ҳолатда турдош судловлилик қоидаларини белгилашда ишда иштирок этувчи шахсларнинг таркиби муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Сўнгги йилларда хорижий давлатлар хуқуқшунос олимлари томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида ҳам меҳнатга оид хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар учун турдош судловлилик қоидаларининг белгиланиши ҳақида фикрлар илгари сурilmоқда. Хусусан, Ю.В.Моисееванинг фикрича, иш ташлашни ноқонуний деб топиш ҳақидаги ишлар учун турдош судловга тааллуқлилик қоидаларини белгилашда ходимлар меҳнат қилаётган корхона фаолиятининг даражасини эътиборга олиниши лозим. Агар корхонанинг фаолияти фақат маҳаллий (локал) тусга эга бўлса, у ҳолда бундай ишлар туман судларида, агар корхонанинг фаолияти федерация даражасида бўлса, у ҳолда мазкур низоли иш юкори турувчи суд инстанцияларида кўрилиши лозимлиги тўғрисида ўз фикрини билдиради.²⁹

Ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишларни судда кўриш жараёнида жавобгар тараф алоҳида аҳамиятга эга бўлган, маҳсус қўриқланадиган ташкилот, корхона ёки муассаса бўлиши ҳам мумкин. Масалан, мудофаа ва хавфсизлик хизмати ташкилотлари шулар жумласидандир. Шунинг учун ҳам ишга тиклаш тўғрисидаги низоли ишлар бўйича жавобгар сифатида суд процессига жалб этилган ташкилотнинг иш фаолиятидан келиб чиқиб, давлат сирларини ошкор бўлишини олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Бинобарин, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган

²⁹ Моисеева Ю.В. Гражданко-процессуальные особенности рассмотрения коллективных трудовых споров. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. –С.-Петербург, 2000. -10 с.



масалалар меҳнатга оид низоли ишларни судда кўришнинг предмети бўлиши ҳам мумкин.

Мазкур тоифадаги ишларни эса биринчи инстанция тариқасида туманлараро (шаҳар) судларида кўриб ҳал этилиши давлат сирларини ошкор қилмаслик нуқтаи назаридан мақсадга мувофиқ бўлмайди. Бироқ, ФПКда давлат сирлари билан боғлиқ ишларни судловга тегишлилигига оид қоидаларнинг мавжуд эмаслиги ушбу масалага оид ишларни туманлараро судлар томонидан кўриб ҳал этилишига олиб келмоқда. Бу борада Ҳам-дўстликдаги давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги ўрганилиб, таҳлил қилинганда, давлат сирлари билан боғлиқ ишлар турдош судловлилик қоидаларига мувофиқ, юқори инстанция судларида кўриб чиқилиши белгиланган. Хусусан, РФ ФПКнинг 26-моддасига кўра, давлат сирлари билан боғлиқ бўлган фуқаролик ишлари республикалар Олий суди, ўлка, област суди, федерал аҳамиятдаги шаҳар суди, автоном вилоят ва автоном округ суди биринчи инстанция тариқасида кўриши белгиланган.³⁰

Давлат сирларининг ошкор қилинишини олдини олиш мақсадида ФПКнинг 29-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилиши таклиф қилинади:

“Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ариза берувчи бўлган фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни, давлат сирлари билан боғлиқ ишларни, жавобгар тариқасида давлат бошқарув органлари, хусусан, вазирликлар, давлат қўмиталари, компаниялар ва йирик бирлашмалар, чет эл ташкилотлари иштирок этадиган ишга тикилаш тўғрисидаги низоли ишларни, шунингдек қонун билан ўз ваколатига киритилган бошқа ишларни кўради.”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Толкунова В. Н. Трудовое право: курс лекций. -М.: ООО «ТК Велби», 2003. – 187 с.
2. Мартыненко В. И. Процессуальные особенности рассмотрения индивидуальных трудовых споров в судах общей юрисдикции: автореф. ... канд. юрид. Наук. - М., 2006. – 21 с.
3. Трудовое право. Учебник.-М.: Проспект. 1999. - 431 с.

³⁰ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/96d9127d8d5b633f85501df8968a9e95d0aa2ed7/



4. Мамасиддиқов М.М. Мәхнатга оид хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари. Монография // -Т.: ТДЮИ. 2005. -14 б.
5. Яценко А.О., Ильченко Е.С. Особенности рассмотрения судами трудовых споров о восстановлении работника на работе // Colloquium-journal. № 26 (50), 2019. – 216 б.
6. Мамасиддиқов М.М. Мәхнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // –Тошкент.: АҚХМИ. 2008. -47 б.
7. Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига шарҳлар. -Т.: ТДЮИ. 2010. – 124 б.
8. Мамасиддиқов М.М. Мәхнатга оид хуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган етказилган зарарни судда ундиришнинг процессуал хусусиятлари. –Тошкент: АҚХМИ. 2011. -15 б.
9. Салимова И.М. Иқтисодий низоларнинг тааллуқлилиги (назарий-хуқуқий ва процессуал жиҳатлари). Юрид. фан. фалсафа доктори (PhD) диссертацияси // -Тошкент. 2020. -114 б.
10. Қаранг: Мамасиддиқов М.М. Ўша жойда. 2011. -14 бет.
11. Трудовое право. Учебник. 3-изд. М.: Проспект. 1999. 432 с.
12. Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России. Учебник. 2-изд.-М.: Юристъ, 2000. -С. 380-381.
13. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/3517337>
14. Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спорам, возникающим из трудовых правоотношений. -М.: Арбитражный и гражданский процесс. 2000. №4. – 3 с.
15. ¹ Гусов К.Н., Толкунова В.Н. Трудовое право России: Учебник. 2-е Изд., доп, испр. –М.: Юристъ. 2000. -394 с.
16. ¹ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининиг мәхнат ҳуқуқи // Олий ўқув юртлари учун дарслик. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси. 2002. - 351 б.
17. Головина С.Ю. Рассмотрение судами дел по спорам, возникающим из трудовых правоотношений // Арбитражный и гражданский процесс. Юрист. -М.: 2000. № 4. -7 с.
18. Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларининг ҳолати ва самарадорлигини ошириш истиқболлари // Монография. Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. О.Оқюлов. –Тошкент, ЮМОМ нашр. 2012. -91 б.
19. Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Т.: Адолат, 2010. – Б. 429.
20. Гражданский процесс: учебник / под ред. М.К. Треушникова. – М.: ООО «Городец-издат», 2001. – С.83.
21. Кострова Н.М. Проблемы гражданского судопроизводства // Учебное пособие. -Махачкала, 2002. – 67 с.
22. Норкина Е.В. Подведомственность как общеправовая категория: автореф. дис. ...канд. юрид. наук: – Саратов, 2010. – С. 9.
23. Гражданский процесс. Курс лекция. -Санкт-Петербург. Питер. 2001. -137 с.; Гражданский процесс. Учебник. -М.: Проспект. 2001. -115 с.; Научно-практический комментарий к Гражданскому процессуальному кодексу РСФСР. -М.: Городец. 1999. - 160 с.



24. Мамасиддиқов М.М., Ёдгоров Х.Б., Давлетов Ў.М. Фуқаролик процессуал хуқуқи. Умумий қисм / Дарслік. Масъул мұхаррир ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. - Тошкент. ХТИ нашр. 2018. -293 б.; Мамасиддиқов М.М. Мәжнатта оид етказилған моддий ва маънавий заарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари // Монография. -Тошкент, АҚҲМИ, 2008. -63 б.

25. Гребнев. Р.Д. Роль и место судебных актов в правотворческом процессе / Зарубежного законодательства и сравнительного правоведения. №2. 2020 г. -С. 23-35.

26. Ишга тиклаш түғрисидаги меңнат низоларини судда күришни такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган диссертация иши доирасида суд ва прокуратура ходимлари ҳамда тадқиотчиларнинг (жами 5434 нафар) ушбу масала бўйича фикрини ўрганиш мақсадида 2022 йилнинг октябрь ойида ўтказилган сўровнома натижаларидан олинган.

27. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси // <https://lex.uz/docs/> 3523891

28. Гражданский процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2021 г.) // https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=34329053&pos=866;-37#pos=866;-37

29. Моисеева Ю.В. Гражданко-процессуальные особенности рассмотрения коллективных трудовых споров. Автореф. дисс. канд. юрид. наук. -С.-Петербург, 2000. -10 с.

30. Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации // http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_39570/96d9127d8d5b633f85501df8968a9e95d0aa2ed7/